



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATION
RIVOLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

ХОЗИРГИ ТАРАККИЁТ БОСКИЧИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ:
МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
МАВЗУСИДА ОНЛАЙН ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МАТЕРИАЛЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ

**ҲОЗИРГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР
СПОРТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**ЖЕНСКИЙ СПОРТ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ:
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**WOMEN'S SPORT AT THE PRESENT STAGE:
PROBLEMS AND PROSPECTS**

**Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари
2020 йил 6 май**

Бухоро - 2020

II



МАКТАБ ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАРИ ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОПТИМИЗАЦИИ ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ШКОЛЬНИЦ

ACTUAL PROBLEMS OF OPTIMIZATION OF MOTOR ACTIVITY OF SCHOOLGIRLS

ДВИГАТЕЛЬНАЯ АКТИВНОСТЬ И ЗДОРОВЬЕ ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ

Дудко М.В., Хрипко И.В..... 87

МАКТАБ СПОРТ ТҮГАРАКЛАРДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ 11-13 ЁШЛИ ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДИНАМИКАСИ

Абдуллаев М.Ж..... 90

ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАР ИММУН ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА СПОРТНИНГ ТАЪСИРИ

Исройлжонов С..... 92

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ДЕВОЧЕК СРЕДНЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА СРЕДСТВАМИ ХОРЕОГРАФИИ

Ахмедова Д.А., Хасанова Г.М..... 94

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТАРШИХ ШКОЛЬНИЦ СРЕДСТВАМИ ROPESKIPPING

Арипова В.Б. 96

Оптимизация физического воспитания в школе средствами хатха-йоги

Мирзакулов Ш.А., Люлина Е.С..... 98

ҚИЗЛАРДА ВАЛЕОЛОГИК ОНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

Мирзаева С.Р. 101

ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ЁШИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Маматқулова З., Мовлонова З..... 104

МАКТАБ ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАРИНИ ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛ-УСТОЗ МУРАББИЙЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Арслонов Қ.П..... 107

МАКТАБ O'QUVCI QIZLARDA VOLLEYBOL MASHG'ULOTLARIDA SOG'LIOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISH

Sadridinova D., Abdullayev Sh.Dj..... 109

ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАРГА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ

БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

Рафиев Х.Т..... 112

ЗАНЯТИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ШКОЛЬНИЦ

Эргашова Д.М., Рўзикулов М.А., Хамраев И.Т..... 114

ПОНЯТИЯ И ОСОБЕННОСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ЮНЫХ

ВОЛЕЙБОЛИСТОК 9 – 11 ЛЕТ.

Гафурова М.Ю..... 116

ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Шамсиев Н.А., Сафарова З.Т., Асадова Н.Ё..... 119

ЎҚУВЧИ - ЁШЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИДА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР

Баймурадов Р.С., Бахшуллаева М..... 121

Хулосалар

Кўпинча ўқитувчи ўргатишни мақсад ва вазифаларини яхши тушунтира олмаслиги сабабли, ўқувчи-қизларда бошқа ноаниқ мақсад ҳосил бўлади. Терминологияни яхши ўрганган ўқувчи-қизлар, материални тез ўзлаштиради. 80% материални ўргатишда камида 20% харакат таъсири тўғри кўрсатиш ва тушунтиришга боғлик.

Намойиш икки аспектида амалга оширилади. Биринчидан, харакат табий мукаммалашган кўринишда намойиш қилинади. Ҳаракатни аник чиройли намойиш қилиш бу ҳаракатга бўлган қизиқишини ва уни ўзлаштиришга бўлган истакни яна оширади. Иккинчи аспект фақат ўқитиш хусусиятига эга бўлиб, ўрганилаётган ҳаракат техникаси асосини шуғулланувчилар онгига сингдириш мақсадини кўзлайди. Бу ҳолда дидактик ифодали кўрсатиш усуллари (ҳаракатни секинлаштириш, асосий фазаларни ажратиб кўрсатиш ва х.к) дан фойдаланилади.

Ҳаракатнинг бажариш техникасининг асоси дастлаб максимал даражада умумий ва киска қилиб, усул ва унинг қисмларининг аник терминологик номларини айтган ҳолда тушунтирилиши керак. Бу босқичда ҳаракатни бошкариш техникасини батафсил равишда тушунтириш мақсадга мувофиқдир, чунки ўрганувчилар янги ахборотларни кўплигидан бутун тафсилотларни эслаб, ҳаракат амалларини тўла билиб олиши мумкин эмас.

Ҳаракатларни, уларни ўрганиб бориш жараёнида тўла билиб олинади. Шунинг учун билиб олиш ўргатишнинг қайси бир босқичи хусусиятига мос келишига қараб унга амал қилиш керак.

Шуғулланувчилар ҳаракати билан танишиб бўлгач, уни бажаришга киришадилар. Бу яратилган умумий тасаввурни асосий ҳаракат ҳислари билан тўлдиришга, ўқувчи-қизларни топширилган ҳаракатни бажариш имкониятини баҳолашга ва келаси ўкув ишларига бўлган иштиёқини ошириш учун қўшимча стимуллар яратишга имкон беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмонийтарбиява спорт тўғрисида”ги конуни //Халк сўзи. 2000 йил, 28 май.
2. Бондаревский Е.Я. Педагогические основы контроля за физической подготовленностью учащейся молодежи.: Автoref. дис. ... д-ра. пед.наук. – М., 1983. – 45 с.
3. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. – М.: ФИС, 1991. – 544 с

МАКТАБ ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАРИНИ ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛ-УСТОЗ МУРАББИЙЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Арслонов Қ.П., доцент,
Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада умумий ўрта таълим тизими ўқувчи-қизларини мунтазам жисмоний тарбия машгулотларига иштирокини таъминлашда аёл ўқитувчиларнинг ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиши, ҳаракат координацияси, ҳаракат малакаси.

Долзарблиги: Юртимизда аёллар ва қизларни қўллаб-куватлашга доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, шу билан бирга ҳаётимиз кўрки ва миллатимиз келажаги бўлган хотин қизларни ҳар томонлама соғлом ва жисмонан бақувват бўлишларини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Мустақиллик туфайли жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча соҳалари каби давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун (1,2), “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор (4) “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида” ги Қарорлар (3) ва шу соҳага оид бошқа концептуал хужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Конститутцияси (6) “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Қонунларда (5) жисмоний тарбия ва спортга алоҳида ургу берилиши юкорида қайд этилган фикр ифодасидир. Сўнгги йилларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз

шұхратини жағон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келаётганды, минглаб ҳалқаро стандартлага мос спорт мажмуалари қад күтараётганды, юртимизнинг турли худудларда энг нуфузли ҳалқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганды ушбу хужжатларнинг амалий маҳсулидир. Лекин юксак натижаларни қўлдан бермаслик, малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри ёш истеъододли заҳираларни етишириш билан боғликдир (7).

Спорт фаолияти жараёни хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамиятни ўзи олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга юкори талаб қўяди (8).

Кейинги ўн йилликлар ичида замонавий спортда ёшариш жараёни юзага келиоқда. машғулотлар жараёнига кўпроқ ёш спортчиларнинг жалб қилиниши спорт соҳасидаги мутахассисларга катта маъсулият юклайди. Хотин-қизлар спортини ривожлантиришда ҳам аёл мураббийларимиз жуда катта ўрин эгаллайдилар (9).

Хозирда Республика из вилоятларида аёл мураббийларнинг камлиги қилинаётган тадқиқот ишимизнинг долзарб муаммосига айланган.

Мақсад ва вазифалар. Хотин-қизларнинг жисмоний тарбия дарсларини ва спорт машғулотларини самарадорлигини оширишда аёл мураббийларнинг тутган ўрнини;

Жойларда хотин-қизлар спортини ривожлантиришда аёл мураббий (мутахассис, кадр)лар билан таъминланганлик даражасини;

Хотин-қизларни жисмоний тайёргарлигини ривожланишини ани;

Анкета сўровнома орқали ўкувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини;

“Алпомиш” ва “Барчиной” тест синов меъёрлари орқали қизларни жисмоний ривожланганлик даражасини;

Тадқиқот методлари. Белгиланган вазифалар бўйича ўтказилган тадқиқотлар қўйидаги илмий услублар ёрдамида амалга оширилди:

Илмий-услубий адабиётлар, расмий хужжатлар, статистик маълумотлар ва жойлардаги иш тартибини таҳлил қилиш.

Сўровнома асосида фикр ўрганиш.

Педагогик тажриба.

Тадқиқот натижалари ва хуносалари. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишини истаган ўкувчи қизларимиз спортга ҳам шарқона андиша билан ёндашишлари сабабми, кўпчилик холларда эркак мураббий ва ўқитувчилардан уяладилар, шунингдек кишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган аёл мураббийларимиз жуда озлиги сабаб бўлиб, қизларимизнинг ота-оналари, уларни бошқа бир тикувчилик-ми ёки шунга ўхшаган аёлларга хос ишлар билан шугулланишларини исташлари аниқланди.

Демак жисмоний тарбия ва спорт билан шугуллантириб келаётган аёл мураббийларимиз озчиликни ташкил қиласаптилар ва хотин-қизларимиз ҳам юкорида айтиб ўтилганидек спортга ҳам шарқона андиша билан қарашларининг олди олинмаяпти ва махаллий миллатга хос бўлган ота-оналарнинг қарашлари ҳам фактат аёлларга хос уй ишлари билан чегараланиб қолмоқдалар. Биз шундай қилишимиз керакки қизлар аёлларга хос иш билан шугулланиш давомида спорт билан шугулланишларини таъминлай олишимиз керак. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланаётган хотин-қизлар учун яна кўпгина мутахассислар керакдир. Хотин-қизлар спортини ривожланиши эса кўпроқ аёл мураббийларимизга боғликдир. Университетимизга қабул қилинган талаба қизларимизнинг университетни битириб жойларда иш олиб боришлари эса бизнинг катта ютугимиз бўлади.

«Алпомиш» ва «Барчиной» тест меъёрларини аёл мураббий дарс олиб борувчи вилоятдаги умумий ўрта таълим мактаби ўкувчи қизлари тест синов меъёрларини 12 та қиздан 10 таси тўлиқ топшира олдилар, меъёрларини эркак мураббий дарс олиб борувчи синф ўкувчи қизларининг 12 тасидан 4 таси меъёрларни тўлиқ топшира олдилар. Биз бу натижаларни кўриб шуни аникладикки, эркак мураббий ўтадиган жисмоний тарбия дарсларини қизлар кўп қолдирадилар ва синов меъёрларини топширишда қийинчиликларга учрайдилар. Аёл мураббий ўтадиган жисмоний тарбия дарсларида эса мактаб ўкувчи қизлари

бехато дарсларга келадилар ва синов турларининг меъёрларини бажараётганда “ўқитувчисидан уялиш” деган вазиятга тушиб қолмаётганликлари аникланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги 1992 йил 14 январ. Ўзбекистон Республикаси конуни// Ҳалқ сўзи 1992 йил 15 январ.
2. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги 2000 йил 26 май. Ўзбекистон Республикаси конуни// Ҳалқ сўзи 2000 йил 27 май.
3. “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 ноябр карори// Ҳлак сўзи 2003 йил 5 ноябр.
4. “Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори// Ҳалқ сўзи 1999 йил 27 май.
5. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги конуни (1997й. 2 август) “Туркистон” газетаси, 1997й. 1 октябр.
6. Ўзбекистон Республикаси “Кониститутцияси”.- Т.: Ўзбекистон., 1992й
7. Каримовнинг “Унверсиада-2000” спорт анжумани катнашчиларига йўллаган табрик сўзи// Туркистон.-2000.- 25 май.
8. Саломов Р.С. “Спорт машкларининг назарий асослари”. Тошкент-2005, 82 б.
9. Тўхтабоев Н.Т., Махмудова М.М. “мактаб ёшидаги болаларни Таэквон-до (ИТФ) спорт турига кизикишини шакллантириш йўллари”. “Ижтимоий химоя иилига багишланган талаба, магистрант ва аспирантларни илмий услубий анжумани”. 30.12.2007й. 24-256.

МАКТАВ О'QUVCI QIZLARDA VOLLEYBOL MASHG'ULOTLARIDA SOG'LIOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISH

*Sadriddinova D., magistrant, Abdullayev Sh.Dj., p.f.n., dotsent
Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

Annotatsiya. Maqolada maktab o'quvchi qizlarda voleybol mashg'ulotlarida sog'lom turmush tarzini shakllantirish masallari ko'rsatib o'tilgan. Sog'lom turmush tarzi - bu qizlarlarning hayoti davomida ongli ravishda baholash muqtai nazarini shakllantirishning asosiy omillaridan biri bo'lib, hozirgi kunda ko'p insonlar buni ko'plab omillar ta'siriga olib borolmaydilar. Ushbu muammoni hal qilishda sportchilar, xususan, sport o'yinlari yordam beradi.

Kalit so'zlar: Gipodinamiya, gipotensiya, ateroskleroz, ijtimoiy-psixologik holat, gigienik omil.

Dolzarblik. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida yuqori samaraga erishish faqat mashg'uloni to'g'ri tashkil qilish va samarali uslublarni qo'llash evaziga amalga oshirilishi mumkin. Yoshlarni tarbiyalashda va ularga zamonaviy bilimlar berish ta'lim tizimining eng asosiy maqsadlaridan biri hisoblanadi. Qanday qilib o'quvchilarga bilim berish, ko'nikma va malaka hosil qilish, ya'ni turli harakatlarga o'rgatish kerak. Bu o'qituvchining eng muhim vazifalaridan biridir. O'rgatish usullari turli-tuman bo'lib, ulardan kerakligini tanlab olish va unumli uni qo'llash, o'qituvchining pedagogik san'atiga bog'liq.

Shuning uchun o'rgatish samaradorligi o'qituvchining to'g'ri uslublarni tanlash va ishlata bilishiga bog'liq. Bu uslublarni tanlashda vazifalar, tarbiyalashni ta'minlovchi o'rgatish harakteri, o'quv materiallariga, ularning imkoniyatlari, mashg'ulot sharoitlari hisobga olinadi. Demak jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini tashkil etish va o'tkazishni samarali uslublarini ilmiy ishlab chiqish va ilmiy tadqiqotlar asosida isbotlab ko'rish dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.[3]

Hozirgi vaqtida maktab o'quvchilarining 70 foizi jismoniy harakatsizlikdan aziyat chekayotgani ma'lum. Gipodinamiya - jismoniy faollikning pasayishi, o'nlab va ellik yoshgacha bo'lgan o'nlab va yuzlab qizlarlarning erta nogiron bo'lishiga va o'limiga olib keladigan aksariyat kasalliklarning boshlanishi va rivojlanishining sabablaridan biridir. O'quvchilarning gipotensiysi maktabdagi mavjud jismoniy tarbiya tashkiloti tomonidan qoplanmaydi.[4]

O'rta maktab o'quvchilarini uchun jismoniy mashqlar uchun zarur bo'lgan jismoniy harakat haftasiga 4-9 soat, eng kichigi 7-12 soat bo'lishi kerak. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarining bunday soni bilan, jismoniy rivojlanishning eng yuqori darajasi, shuningdek, eng yaxshi sog'liq qayd etilgan. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari sonining ko'payishi bilimlarni o'zlashtirish samaradorligini oshiradi, sog'liqni saqlash zaxiralarini oshiradi va bolalar va o'smirlarning uyg'un